

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАХХАРОВА ДИЛОРО ЖАМОЛИДДИНОВНА

**ТИШ РЕСТАВРАЦИЯСИДА КОМПОЗИТ АШЁЛАРИНИНГ
АДГЕЗИЯСИНИ МУКАМАЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Каххарова Дилоро Жамолиддиновна

Тиш реставрациясида композит ашёларининг адгезиясини
мукамаллаштиришнинг замонавий жиқатлари..... 3

Каххарова Дилоро Жамолиддиновна

Современные аспекты улучшения адгезии при реставрации зубов
композитным материалом..... 22

Kakhkharova Diloru Jamoliddinovna

Current ways to improve composite resin adhesion in tooth
restoration..... 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАХХАРОВА ДИЛОРО ЖАМОЛИДДИНОВНА

**ТИШ РЕСТАВРАЦИЯСИДА КОМПОЗИТ АШЁЛАРИНИНГ
АДГЕЗИЯСИНИ МУКАМАЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib172 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб - саҳифасида (www.tsdj.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мелькумян Тимур Владимирович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Беленова Ирина Александровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Гулямов Суръат Саидвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Марат Оспанов номидаги ғарбий
Қозоғистон давлат тиббиет университети
(Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdj2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.К. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А. Шукурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий композит ашёлар кариоз ва нокариоз шикастланишлар оқибатида тишлар анатомик шаклини, функциясини ва эстетик жихатдан тиклаш имконини беради. Тиш тўқималарини максимал даражада сақлаб қолиш ва бажарилган композит тиклаш муддатларини узайтириш стоматологиянинг асосий вазифаларидан бири саналади. Замонавий нур билан қотувчи материалларини қўллаш «...юқори чайнов юкламасини кўтаришга қодир бўлган тишларни реставрацияси оптимал механик мустахкамликни таъминлашга»¹ имкон беради. Композит реставрациялар сифати қатор омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида тиш пульпаси томонидан салбий реакциянинг бўлмаслиги ва мустахкам адгезия бажарилган реставрацияларнинг хизмат қилиш муддатларини ошиши нуқтаи-назаридан истиқболли аҳамиятга эга. Қатор илмий изланишларда композит ашёларнинг камчиликларини барараф этиш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, ҳозирги кунга қадар, ҳеч бир усул бевосита композит реставрация ўтказилишдаги микроёриқ муаммосини ҳал қила олганича йўқ. Тиш дентинига композит ашёлар адгезиясини яхшилаш учун спиртли баённомалар самарадорлигини баҳолаш замонавий эстетик стоматологиянинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда ва ханузгача фото-полимерлар конверсияси тўлақонлиги муаммоси охиригача ечилмаган, оғиз бўшлиғида уларнинг секин-аста дегратация жараёнини бартараф этилганича йўқ.

Жаҳонда, адгезив баённомалар босқичларини соддалаштириш ва тиш реставрацияси муолажаларини тезлаштириш композит материаллар (КА) ва адгезив тизимларни яратишда сўнгги концепциялардан бири ҳисобланади. Киритиш усуллари, полимеризацияси, тиш қаттиқ тўқималари юзаларини тайёрлаш ва х.о. бўйича қандай композит материални қўллаш бўйича кўплаб тавсиялар мавжуд. Реставрация ўтказишда милклардан қон кетишини тўхтатиш учун стоматологияда қўлланилувчи гемостатик воситалар қатор муаллифлар фикрича КА тиш эмали ҳамда дентинга КА нинг бирикиш мустахкамлигини пасайтиради. Дентинга КА адгезиясини бузилиши унинг юзасидаги морфологик ўзгаришлар билан тушунтирилади. Бироқ, композит ашё учун учун ижобий натижалар кўп ҳолларда шифокор малакасига боғлиқдир. Ушбу ҳолат Filtek Z250 (USA) композити ва эмал ва дентин учун Adper Single Bond 2 (3M) бир компонентли адгезивини қўллаш баённомаларини клиник баҳолашни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб боришга туртки бўлди.

Мамлакатимизда тиббиёт ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли «...соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу соҳага илғор ва

¹ Луцкая И.К. клинические показания к дифференцированному выбору средств и методов лечения постоянных зубов// Новое в стоматологии. -2018.- №8.-стр.2-15..

рақамли технологиялар ...»² ни қўллаш муҳимдир. Аҳолига стоматологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда, яъни «...янги ишланмаларни яратиш, ҳамда уларни амалга ошириш ...»³ устувор масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунлай экан, гемостатик геллар, чегараловчи тагликлар, спиртли турли баённомаларни қўллаш билан даволаш баённомаларни ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар олиб бориш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида, Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан тасдиқланган 2020 йил 19 июндаги “Инновацион фаолият тўғрисидаги қонун”да кўрсатилган янги ишланмаларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишга тақдим этиш, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Янги стоматологик адгезивлар жадал ва тез яратилиши клиник муолажаларни соддалаштиришга йўналтирилган (Чертовских А.В., 2014; ShumanIan E., 2014; Nagpal R., et al., 2015; George Freedman, 2019; Xia Wang et al., 2021). Композит ашёни киритиш усули, полимеризацияси, тиш қаттиқ тўқималари юзаларини тайёрлаш ва х.о бўйича қайси композитни танлаш бўйича кўплаб тавсиялар мавжуд (Мелькумян Т.В. ва бошқалар, 2020; Erickson R.L., et al., 2009; Lührs A.K. et al., 2010; Lawson N.C., et al., 2015). Бироқ, аксарият ҳолларда композит реставрациянинг самарали натижаси шифокор малакасига боғлиқ (Барер Г.М. ва бошқалар, 2006; Блохина А.Ю., 2012; Бутова В.Г. ва бошқалар, 2020; Васильева Е.Ю. ва бошқалар, 2020).

Реставрациялар сифати биологик, эстетик, функционал кўрсаткичларни баҳолашга асосланган бўлиб, улар бемор талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин. Хозирги вақтда тишларни даволашда хаддан зиёд ишлов беришга олиб келувчи мезонлар мақсадга мувофиқ эмас (Апарина Е.А., 2006; Кодзаева З.С. ва бошқалар, 2019). Реставрация сифатини баҳолаш кўрсаткичлари аксарият ҳолатларда субъектив бўлади ва бекиёс концепциялардан четга қичишларда уларни алмаштиришни тақозо қилади

² Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4847 от 02 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления сферой здравоохранения».

³Закон РУз «Об инновационной деятельности» является создание новых разработок, а также обеспечение их передачи и реализации в сферу производства»

(Хабиев К.Н. ва бошқалар, 2014; Ияшвили Л.В., 2019; Юдина Н.А., 2020, Rodrigues RF, et al., 2015). Композит реставрациянинг клиник баҳолашда қўлланилувчи мезонлар амалий соғлиқни сақлаш учун зарурий информация ҳисобланади.

Республикада ушбу муаммо қатор муаллифлар ишларида ёритилган. Камиллов Х.П., Бекжанова О.Е., Азимова Н.Н. (2004) тадқиқотлари Тошкент шаҳрининг катта ёшли аҳолисида пломбаларнинг ҳолатини ўрганишга бағишланган. Тадқиқотлар натижасида реставрация сифатини клиник баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган, ҳамда бажарилган реставрацияларнинг клиник баҳолаш учун кўплаб мезонлар тақдим этилган (Бекжанова О.Е., Курбанова Е.В., 2003). Ҳозирги кунда олдиндан қиздирилган композитни қўллашга стоматологларнинг қизиқишлари ортиб бормоқда. ТДСИ госпитал терапевтик стоматология кафедрасида композит ашёни қиздириш учун қурилма ишлаб чиқилган. Мелькумян Т.В., Шералиева С.Ш. (2021) тадқиқотларида ушбу услубни қўллаш самарадорлиги асосланган бўлиб, ушбу усулни қўлланилишини реставрациянинг хизмат қилиш муддатларини ошишига имкон берган. Стоматологик адгезивларга бўлган катта талаб ва кенг қўлланилишига сабаб, булар билан амалга оширилган композит реставрация ўтмишдошларига нисбатан кўпроқ эстетикдир (Камиллов Х.П. ва бошқалар, 2017).

Шундай қилиб, тишларни адгезивга тайёрлаш масаласи бўйича ягона фикрларнинг йўқлиги ва уларни адгезия сифатига таъсири кенг қўламли тадқиқотлар ўтказиш заруриятини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011400198 «Тиш, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2019-2024 йй).

Тадқиқотнинг мақсади композит реставрациялар адгезияси сифатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тиш дентинига композит материални адгезия кучи ва сифатига қон тўхтатувчи агентлар таъсирини тажрибаларда баҳолаш;

тиш дентинига фосфат (ФЦ) ва шиша иономер цемент (ШИЦ) композит ашёсини адгезия кучига таъсирини тажрибаларда баҳолаш;

чегараловчи таглик сифатида қўлланиладиган фосфат ва шишаиономер цементларни композит ашёсининг адгезия кучига таъсирини тажрибада асослаш;

шишаиономер ва фосфат цемент кислоталилигини экспериментал баҳолаш;

тажрибаларда ўз-ўзидан қотувчи адгезив тизимларни қўллашда кислотали ишлов бериш самарадорлигини баҳолаш;

тишларни тиклашда композит ашёлар билан тиклашда самарали такомиллашган адгезив баённомаларни тавсия қилиш ва бажарилган реставрацияларга клиник баҳо бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат стоматология институти терапевтик стоматология поликлиникасида даволанишда бўлган 20 ёшдан 59 ёшгача бўлган 78 кариес ташхиси қўйилган бемор олинган. Беморларнинг ўртача ёши 39 ёшни ташкил қилди. Блек бўйича I, II ва IV синфдаги камида 2 та тиш бўлиши шарт қилиб белгиланди.

Тадқиқот предмети бўлиб фосфат ва шишаиномер цементлардан тайёрланган пломба намуналари, «FiltekZ250» композит материали ёрдамида ўрта ва чуқур кариесли беморлардаги реставрациялар, ҳамда ортодонтик кўрсатмалар бўйича олинган тишлар олинди.

Тадқиқот усуллари. Иш жараёнида клиник, лаборатор ва статистик текшириш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта аммоний хлорид асосли гемостатик агентининг тиш дентинига салбий таъсири оқибатида дентин оёқчалари сони ва улар узунлигини камайиши исботланган;

биринчи марта Ultra Test Machine учун тиш дентинига минерал ва шишаиномер цементларнинг адгезия кучини аниқлашнинг такомиллашган усули ишлаб чиқилган ва тавсия этилган;

биринчи марта шишаиномерга нисбатан фосфат цементдан тайёрланган чегараловчи таглик юзасига фотополимер адгезиясини устунлиги билан намоён бўлувчи фосфат ва шишаиномер цементга композит материалнинг адгезия кучи аниқланган;

биринчи марта рН кўрсаткичи паст бўлган шишаиномердан тайёрланган чегараловчи тагликга нисбатан юқори рН га эга фосфат цементли чегараловчи тагликни қўлланилиши ўрта кариесни даволашда тишлар сезгирлигини тез меъёрлашишига олиб келиши аниқланган;

анъанавий нам адгезив баённомага нисбатан соддалаштирилган спиртли баённомани (Т. Phillip Shin et al., 2009) қўлланилишининг самарасизлиги кўрсатувчи янги далиллар олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

композит материални дентин билан кучли адгезив бирикишига эришиш учун адгезив баённомани бажаришдан олдин қон тўхтатувчи агентнинг салбий таъсири учраган дентин юза қатламини олиб ташлаш зарурияти аниқланган;

тиш ва пломба ўртасидаги зич бирикишига эришиш имкон берувчи фосфат цементга мослашиш ва уни суришнинг инкремент техникаси ишлаб чиқилган;

фосфат цементдан чегараловчи тагликни қўллаш ҳолатлари композит реставрациянинг рангини тўғри танлаш максимал косметик самарага эришилиши исботланган;

соддалаштирилган спиртли ва анъанавий нам адгезив баённомалар ўртасида адгезия кучи кўрсаткичлари бўйича фарқларни йўқлиги исботланган.

соддалаштирилган спиртли баённомани қўллашнинг самарасизлиги илмий исботланган (Т. PhillipShinetal., 2009).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги оқилона назарий ёндошув ва усулларнинг қўлланганлиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, бири-бирини тўлдирувчи клиник, экспериментал ва статистик усулларнинг қўлланилганлиги, тиш дентинига шишаиномер ва минерал цементлар адгезия кучини аниқлашнинг такомиллашган усулини ишлаб чиқилганлиги, олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий тадқиқотларга мослиги, гемостатик гелни қўллаш тиш бўйин қисми бўшлиқларини композит реставрация сифатини ёмонлашиши билан тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўтказилган тадқиқотларнинг илмий аҳамияти дентин оёқчалари сони ва узунлигини камайишига олиб келувчи дентин юзасига гемостатик гелни таъсири микроскопик ўрганилган, бу эса ишлов берилган дентин юзасига композит ашёсининг адгезия сифатига бевосита таъсири билан тушунтирилади. UltraTest Machine ускунасида композит материал ва тиш дентинига фосфат ва шишаиномер цементларнинг адгезия кучини аниқлашнинг такомиллашган усули асосланган ва тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, V синфдаги (Блек бўйича) ўрта кариесни гемостатик гел билан даволашда тишларни адгезив тайёрлашнинг такомиллашган баённомаси бўйича гемостатик билан контактда бўлган дентин юза қаватини тозалаш тиш бўйин қисми бўшлиқларини композит реставрация адгезиясини яхшилайти. Ўрта ва чуқур кариесни даволашда адгезия сифатига спиртли оддий баённомани қўллашнинг самарасиз эканлигини кўрсатувчи янги клиник далиллар олинди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Filtek Z250 композит материални фосфат ва шишаиномер цемент билан чегараловчи тагликларни қўллаш I ва II синф (Блек) кариоз бўшлиқларни реставрацияси натижалари бўйича олинган натижалар тасдиқланган ва услубий тавсиянома тадбиқ қилинган:

фосфат ва шишаиномер цементни тиш дентинига адгезия кучини баҳолаш бўйича ишонарли натижаларни аниқлаш учун «Адгезия фосфатного и стеклоиномерного цемента к дентину зуба» (ЎзР ССВ 04 ноябр 2021 йилдаги №8н-р/1027 сонли хулосаси) услубий тавсиянома ишлаб чиқилган. Ушбу тавсиянома тажрибаларда тиш дентинига фосфат ва шишаиномер цементнинг адгезия кучини баҳолашга, ҳамда фосфат ва шишаиномер цементни композит материал билан бирикиш кучини аниқлашган имкон берган.

Filtek Z250 композит материалдан тайёрланган реставрациялар сифатини клиник баҳолаш учун «Клиническая оценка адгезивных протоколов лечения при восстановлении зубов композитным материалом»

(ЎзР ССВ 04 ноябр 2021 йилдаги №8н-р/1028 сонли хулосаси) услубий тавсияномаси ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди. Ушбу услубий тавсиянома реставрация клиник ҳолатини баҳолашга ва соддалаштирилган спиртли ва нам баённомаларни ўтказилгандан кейинги муддатларни меъёрлашига, фосфат ва шишаиномер цементли чегараловчи тагликларни қўллашга, ҳамда уларни нохуш таъсиротларини эътиборга олган ҳолда гемостатик препаратларни қўллашга имкон берган.

Тадқиқот натижалари амалий соғлиқни сақлашга, жумладан Тошкент ш. “1-стоматологик поликлиника” Унитар ташкилоти; Тошкент давлат стоматология институти клиникаси; Тошкент шаҳар «TORTINCHI» стоматологик поликлиникаси амалиётга тадбиқ этилган ЎзР ССВ 9 ноябр 2021 йилдаги №8н-з/418 сонли хулосаси). Олинган натижалар клиник кўрсаткичларни сезиларли яхшилашга, шу билан бирга, бажарилган композит реставрациялар хизмат муддатини оширишга имкон барган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақолалар, шу жумладан 4 таси – республика ва 1 таси - хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 та бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг асосий мақсади ва вазифалари, ўтказилган тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, Республиканинг фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва чоп этилиши, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шарҳи**” биринчи боби ҳозирги кунда стоматологлар ўртасида клиник амалиётда кенг қўлланилаётган адгезив композит материалларни, тиш қаттиқ тўқимасини адгезив тайёрлаш баённомаларини ўрганишга бағишланган. Ушбу бобда, шунингдек, тиш қаттиқ тўқимаси кариес ва нокариес зарарланишларини даволашда ишлатиладиган замонавий композицион материалларнинг хусусиятларини ўрганиш натижалари тақдим этилган. Тишларни адгезив тайёрлашда дуч келадиган асосий муаммолар ва композицион тиклашдан кейин келиб

чиқадиган асоратлар батафсил кўриб чиқилади. Чуқур кариесли тишларни даволашда изоляцион ёстикчалар сифатида ишлатиладиган фосфат ва шишаиномер цементлар ҳақида адабиётлар маълумотлари алоҳида келтирилган. Баъзи клиник ҳолатларда гемостатик препаратларни маҳаллий қўллаш, уларни хусусиятлари ва юзага келувчи асоратларга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» номли иккинчи бобида беморларнинг умумий тавсифи, ҳамда олиб борилган клиник ва лаборатор текширув усуллари баён қилинган.

Клиник тадқиқотлар Тошкент Давлат стоматология институти (ТДСИ) терапевтик стоматология поликлиникасида ўтказилиб, беморлар амбулатор даволанди. Тадқиқотларда иккита тишда ўрта (Блек бўйича II синф бўшлиғи) ва чуқур кариес (Блек бўйича V синф) бўлган 78 та бемор камида (35-эркак, 43-аёл) иштирок этди. Беморларни ўртача ёши 39 ёшни ташкил қилди. Субъектив ва объектив текширув натижалари асосида ўрта ва чуқур кариес ташхиси тасдиқланди. Бемор шикоятлари ва объектив текширув маълумотлари ўрта кариес ташхисий мезонлари бўлиб ҳисобланди. Жами 156 тиш тикланиб, шундан ўрта кариес билан 104 та, чуқур кариес билан 52 та тиш қайта тикланди. Filtek-Z250 композит материали ва Adper Single Bond2 адгезив тизимини қўллаш билан тишлар реставрация қилинди.

Тадқиқотлар учта баённома бўйича амалга оширилди ва шу сабабли беморлар 3 гуруҳга ажратилди:

Биринчи гуруҳ – Блек бўйича I-II синфдаги ўрта кариесли 24 бемор, уларни даволашда спиртли (n=24) ва нам протокол (n=24) қўлланилди;

Иккинчи гуруҳни Блек бўйича V синфдаги ўрта кариесли 28 та бемор ташкил қилиб, уларни даволашда аммоний хлорид асосли «ViscoStat» (n=28) гемостатик препарат (гель) ва «ViscoStat» (2-расм) гемостатик препарати қўлланилди, сўнг гель сурилган дентин юзаси текисланди (n=28);

Учинчи гуруҳ Блек бўйича I-II синф чуқур кариесли 26 та бемордан иборат бўлиб, уларни даволашда “Адгезор” фосфат цементли (3-расм) (n=26) ва «Ketac Cem» (n=26) шишаиномерли чегараловчи таглик қўлланилди.

Бундан ташқари, алоҳида равишда, ортодонтик кўрсатмалар бўйича олинган тишларда экспериментал тадқиқотлар ўтказилди, натижада композит материаллар билан тишларни тиклашда ўзи қотувчи адгезив тизимларни қўллаш самарадорлиги баҳоланди.

Бажарилган реставрацияларнинг клиник баҳолашда Х.П.Комилов (2004) шкаласи қўлланилди:


1. Анатомик шакл (Аш);
2. Қиррага бирикиш даражаси (ҚБД);
3. Кариес рецидиви (КР);
4. Контакт пункт (КП)

Хар бир мезон унинг клиник белгиларини акс эттирувчи тўрт балли баҳоловчи шкала бўйича баҳоланди:

- 4 балл – барча кўрсаткичлар бўйича беқиёс;

- 3 балл – бироз оғишлар билан;
- 2 балл – профилактик нуқтаи-назардан алмаштирилиши лозим бўлган;
- 1 балл – зудлик билан алмаштирилиши лозим.

Тишларни сезгирлик даражаси секторларга ажратилган 100 мм визуал-аналогли шкала (Visual Analog Scale - VAS) аниқланди, уларнинг ҳар бири оғриқ сезгилари тавсифини белгилаб беради: оғриқ йўқ, енгил, ўртача, кучли. Бемор ўз хисларини аниқ тавсифлаши ва диаграммада белги қўйиши зарур. Ҳарорат таъсиrotларига (совуқ билан стимуллаш) амалиётдан олдин, даволашдан 2 ва 12 соатдан сўнг аниқланди Янада ишонарли бўлиши учун иккита стоматолог жалб этилди (1 расм).



Расм 1. Визуал-аналогли шкала (Visual Analog Scale - VAS)


Госпитал терапевтик стоматология кафедрасида лаборатория шароитида тиш дентинига фосфат (адгезор) ва шишаиономер (Ketac Cem) цементларининг адгезия кучини ўрганиш амалга оширилди. Бундан ташқари «Filtek Z250» композит реставрацион материални цементга (адгезор ва Ketac Cem) цементга адгезия кучи аниқланди. Текширувлар ортодонтик кўрсатмалар бўйича олинган тишларда ўтказилди. Бажарилган реставрациялар сифатини баҳолаш бўйича клиник синовлар лаборатор текширув натижалари тахлилидан сўнг амалга оширилди.

Адгезив бирикиш кучини ISO 29022:2013 Dentistry –Adhesion – Notched edge shear bond strength стандартига мос равишда Ultra Tester (Ultradent Products Inc., USA) ускунасида амалга оширилди (2 расм).



Расм 2.«Ultra test Machine» ускунаси

Ўрнатилган намуна билан кламп сурилиш тезлиги 1 мм/мин ташкил қилди. Пломба материални синиши рўй берган максимал рақамли миқдор фунтда қайд қилинди. *in vitro* шароитида мустаҳкамликни баҳолаш Shear Bond Strength (SBS) тест ўтказиш учун UltraTest услуги бўйича тайёрланган тиш намуналарида бажарилди. Намуналар икки гуруҳга ажратилди: 1 гуруҳ - SBS тести баҳолаш учун тиш дентинига ФЦ ва СИЦ адгезия кучи (3,4 расм) ва 2 гуруҳ SBS – тест баҳолаш учун – композит материалга ФЦ ва СИЦ адгезия кучи.




**Расм 3. Тиш дентинига адгезия
адгезия кучини аниқлаш
(SBS тест)**

**Расм 4. Тиш дентинига цемент
кучини аниқлаш учун тиш
намунаси**

Цементларга композит материалнинг адгезия кучини аниқлаш учун (8 расм) лаборатория шароитида фосфат (n=10) ва шишиономер (n=10) цементдан пломба намуналари тайёрланди, қоригаги намуналар деформация сурилишига асосланган “Ультратест” усулига мос ҳолда амалга оширилди. Композит материал сифатида «Filtek Z250» қўлланилди, цементли пломба намуналари Адгезор (SpofaDental, Чехия) ва Ketac Cem Easymix (3M ESPE, Германия) дан тайёрланди.

Композит материаллар фотополимеризацияси Blue Phase iG20 (Ivoclar) нурдиодли лампа ёрдамида амалга оширилди. Адгезия кучини баҳолаш мезонлари бўлиб цемент юзасидан композит пломбани узилиш вақтида ускунадан олинган максимал рақамли миқдор (Ib) олинди.



**Расм 5. ФЦ ва СИЦ композит материалнинг адгезия кучини
аниқлаш учун SBS тест**


Шишаиономер ва рух фосфатли цементлардан кислотали компонентларни ажралишидан кейинги сувли эритмалар кислоталиги рН ўлчамлари билан қайд этилди. Бунинг учун чегараловчи тагликлар қўйишда қўлланилувчи ФЦ ва СИЦ лар анъанавий тарзда аралаштирилди.(7 расм).

Олинган қотирилган пломба намуналари майда дисперс ҳолатгача майдаланди ва тенг миқдорда дистилланган сув билан аралаштирилди. рН кўрсаткичини ўлчаш ва қийматларни қайд этиш универсал индикатор қоғоз ва эталон шкалалар ёрдамида бажарилди.

Мустақил ва умумий протравкаланувчи адгезив тизимлар микро ёриқларини баҳолаш ортодонтик кўрсатмалар бўйича олинган 20 та интакт тишда амалга оширилди. Эмал-дентин чегарасидаги ҳар бир тишнинг аппроксимал юзасида сунъий бўшлиқлар (диаметри 3 мм, чуқурлиги 1 мм) тайёрланди. Барча намуналар икки гуруҳга бўлинган: эмалнинг четида микро

оқимни баҳолаш учун А гуруҳи ва дентиннинг четида микро оқимни баҳолаш учун Б гуруҳи. Сунъий бўшлиқлар композит билан тўлдирилди, силлиқланди ва харорат таъсир этирилди (харорати 5° С ва 65°С±2°С бўлган алохида сув хаммомларида 500 цикл, хар бир ваннада 20 сония ушланди ва бир-биридан ўтиш вақти 1 сони). Шундан сўнг тиш намуналари юқори қисми ёпишқоқ мум билан ёпилди ва реставрация ўрни ва унинг атрофидаги 1 мм сохадан ташқари жойлар тирноқ учун лак билан қопланди. Тишлар 1% метилен кўки билан 24 соат мобайнида бўялди ва реставрация марказидан тенг иккига ажратилди.

Бўёқнинг сингиш чуқурлиги бахоловчи шкала ёрдамида 0 дан 4 балл гача қайд қилинди, бунда: 0 – микрооқиш йўқ; 1 – микрооқиш бўшлиқ деворини 3/1 қисмигача; 2 – микрооқиш бўшлиқ деворининг 3/2 қисмигача; 3 – микрооқиш бўшлиқ нинг барча деворлари бўйлаб; 4 – микрооқиш бўшлиқ тубигача тарқалиши.



Расм 6. ФЦ ва СИЦ дан тайёрланган пломба намуналари бўлган сувли эритма



Расм 7. Мирооқишни баҳолаш учун тиш намунаси

Сканирловчи электрон микроскоп ёрдамида тиш дентинига ФЦ ва СИЦ адаптацияси сифати ўрганилди (8 расм). Бундан ташқари фосфат ва шишаиномер цемент ҳосил қилган интерфейс ҳам ўрганилди.

Олинган маълумотлар Statistica-7 амалий дастурлар пакетидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов берилган. Диссертацияда ўртача қийматни (M), стандарт оғишни ($\pm SD$), стандарт хатони ($\pm m$) ва нисбий катталикларни (частота, %) ҳисоблаб чиққан ҳолда вариацион статистика усулларидан фойдаланилган. Ҳосил қилинган миқдорлар ўртасидаги тафовутларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги даражасини баҳолаш Стъюдент мезони (t) ёрдамида ўтказилган. $P \leq 0,05$ бўлганда тафовутлар статистик жиҳатдан аҳамиятли деб қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Шахсий текшириш натижалари ва улар муҳокамаси**» деб номланган учинчи бобида чегараловчи тагликлар учун цемент ва композит материаллар билан ишлаш жараёнида олинган шахсий лаборатор, клиник кузатув натижалари баён қилинган. Дентинган адгезив материални адгезиясига адгезив тайёрлашнинг соддалаштирилган спиртли (T.Phillip Shin, 2009) ва нам баённомалари қўллаш натижалари, мустақил қотувчи адгезив тизимлар, гемостатик гелни таъсири баён қилинган.

Чуқур кариесни даволашда Filtek Z250 дан тайёрланган реставрацияларни клиник баҳолаш маълумотларини таҳлил қилиб, ФЦ ва СИЦ ни изоляцион ёстиқчалар сифатида қўллаш билан иккала гуруҳда ҳам клиник кўрсаткичлар мезонлари сезиларли фарқ қилмаганлиги аниқланди ($p > 0,05$) (1-жадвал).


SBS тести маълумотларини кўрсатишича, дентинга нисбатан ФЦ ($0,8 \pm 0,33$) ва СИЦ ($0,95 \pm 0,25$) адгезия кучи бир деярли фарқ қилмади ($p > 0,05$).

Чегараловчи ёстикчалар сифатида ФЦ ва СИЦ қўллаш билан чуқур кариесни даволаш Filtek Z250 дан тайёрланган реставрацияларни клиник баҳолаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1-гурух (ФЦ) (n=28)	P (1-чи/2-чи)	2-гурух (СИЦ) (n=28)
Кариес рецидиви	3,53 ±0.50	>0,05	3,61±0,49
Қирра мослиги	3,5±0,51	>0,05	3,61±0,49
Анатомик шакл	3,61±0,49	>0,05	3,65±0,48
Контакт қисм	3,61±0,49	>0,05	3,65±0,48


Композит материални ФЦ (6.33 ± 1.39) адгезия кучи эса СИЦ (4.48 ± 1.75) га нисбатан 1,4 марта юқорилиги аниқланди ($p > 0,05$).

Тиш дентинига цементларнинг ёпишиш чегараси аниқ кўринадиган сканирловчи электрон микроскопия пайтида олинган тасвирларга кўра, фосфат цемент тишнинг дентинига шишаиономердан кўра ёмонроқ адаптацияга эга деган хулосага келиш мумкин. СИЦ дан фойдаланилганда микротирқишлар кенглиги ФЦга нисбатан 1,4 марта кам бўлиб, бу маълум даражада унинг оқувчанлиги билан изоҳланади (расм.8-10).




Расм 8. Тиш дентинига фосфат (чапда) ва шишаиономер (ўнгда) цементни адаптацияси

Фосфат ва шиша иономер цементлардан тайёрланган изоляцион ёстикчаларни қўллаш билан чуқур кариесни даволашда тишларнинг сезувчанлик даражаси даволашдан олдин, даволашдан сўнг 2 ва 12 ҳафта ўтгач аниқланди.



Расм 9. Шишаиономер цемент ва тиш дентини ўртасидаги интерфейс



Расм 10. Фосфат цемент ва тиш дентини ўртасидаги интерфейс

2 жадвал

Фосфат ва шишаиономерли чегараловчи тагликларни қўллаш билан чуқур кариесни даволашда тишларнинг сезгирлик даражаси кўрсаткичлари

Время обследования		1-кичик гуруҳ (ФЦ) (n=26)	P (1-чи/2-чи)	2-кичик гуруҳ (СИЦ) (n=26)
даволашгача	Интакт	2,88±4,93	>0,05	2,5±5,7
	Шикастланган	18,84±16,81	>0,05	22,11±18,39
	p	=0.000		=0.000
2 хафтадан сўнг	Интакт	2,69±5,69	>0,05	4,61±7,99
	Даволанган	12,69±10,31	<0,05	12,5±12,58
	p	=0.000		<0,05
12 хафтадан сўнг	Интакт	3,26±6,62	>0,05	2,30±5,69
	Даволанган	4,23±6,11	>0,05	3,65±5,01
	P	>0,05		>0,05

Тадқиқот маълумотларига асосланиб, чуқур кариесларни даволашда фосфат цементдан тайёрланган изоляция қистирмадан фойдаланиш шиша иономер (жадвал 2) билан таққослаганда ($p < 0.05$) даволанишдан сўнг сезувчанлик кўрсаткичларини 2 ҳафта давомида нормаллаштиришга ёрдам берди.

Соддалаштирилган спиртли ва нам баённомаларни қўллаш орақали амалга оширилган реставрациялар клиник баҳоланганда (3 жадвал) ишонарли фарқлар аниқланмади ($p>0,05$).

3 жадвал

Соддалаштирилган спиртли ва нам баённомаларни қўллаш орақали чуқур кариесни даволашда Filtek Z250 иборат реставрацияларни клиник баҳолаш кўрсаткичлари

Кўрсаткич	1-гурух (спиртли протокол) (n=24)	P (1-чи/2-чи)	2-гурух (нам протокол) (n=24)
Кариес рецидиви	3,35 ±0.82	>0,05	3,60±0,49
Қирра мослашуви	3,45±0,51	>0,05	3,62±0,49
Анатомик шакл	3,62±0,49	>0,05	3,66±0,48
Контакт пункт	3,54±0,51	>0,05	3,58±0,50

Соддалаштирилган спиртли ва нам баённомалар бўйича ўрта кариесни даволашда тиш сезгирлиги ўрганилганда нам бондинг ўтказилганда тиш сезгирлик кўрсаткичлари даволашдан 2 хафтадан сўнг рўй беради ($P<0,05$) (жадвал 4).

4 жадвал

Соддалаштирилган спиртли ва нам бондингни қўллаш билан ўрта кариесни даволашда тиш сезгирлик даражаси кўрсаткичлари

Текширув вақти		1-кичик гурух (нам протокол) (n=24)	P (1-чи/2-чи)	2-кичик гурух (спиртли протокол) (n=24)
даволашгача	Интакт	2,70±4,65	>0,05	2,5±5,31
	Шикастланган	18,54±16,18	>0,05	21,04±18,29
	p	=0.000		=0.000
2 хафтадан сўнг	Интакт	2,5±4,89	>0,05	4,37±8,63
	Даволанган	13,95±10,31	<0,05	5:62±5,76
	p	=0.000		>0,05
12 хафтадан сўнг	Интакт	3,12±6,22	>0,05	2,29±5,31
	Даволанган	4,58±6,24	>0,05	3,33±5,03
	P	>0,05		>0,05

Нам ва соддалаштирилган спиртли протоколни қўлланилганда аниқланишича, адгезия кучи нам протоколда (17.51±4.08) спиртли протоколга нисбатан 1,4 марта юқорилиги аниқланди (12.17±1.52) ($P<0,05$).

Тиш эмалига Adhese Universal (Ivoclar Vivadent адгезив тизимининг адгезия кучи Bond Force (Tokuyama Dental Corp. Japan Mfr.) га нисбатан 1,2 марта юқорилиги аниқланди. Бунда дентинга нисбатан Adhese Universal (Ivoclar Vivadent) адгезия кучи Bond Force (Tokuyama Dental Corp. Japan Mfr.) га нисбатан 1,6 марта юқори бўлди. Микрооқиш кўрсаткичлари таққосланганда Adhese Universal қўлланилган тиш намуналарида бўёқнинг кириб бориши Bond Force га нисбатан 0,6 мартага кам бўлди. Ўз-ўзидан ишлов берилувчи адгезив тизимлар қўлланилганда эса тиш қаттиқ тўқимасига ишлов бериш экспериментал тадқиқотлардан сўнг тасдиқланди (5 жадвал).

5 жадвал

Ўз-ўзидан ишлов берилувчи адгезив тизимлар қўлланилганда адгезия кучи ва микрооқишлар

Адгезив система	Эмалга адгезия кучи	Дентинга адгезия кучи	Эмалдаги микрооқиш	Дентиндаги микрооқиш
Adhese Universal (Ivoclar Vivadent)	10.56±3.26	12.49±1.72	1.1±1.0	0.3±0.48
Bond Force (Tokuyama Dental Corp. Japan Mfr.)	8.71±2.34	7.92±2.95	2.2±0.79	0.5±0.53
P (1-чи/2-чи)	P1-2=0.4251	P1-2=0.0004	P1-2=0.0393	P1-2=0.9469

«ViscoStat» гемостатик гелни қўллаган холда ўрта кариесни (V синф Блек бўйича) Filtek Z250 билан реставрациясида (6 жадвал) аниқланишича кариес рецидиви (пломба тушиши) даволашдан 1 йилдан сўнг кузатилди (P<0,05).

6 жадвал

«ViscoStat» гемостатик гелни қўллаган холда ўрта кариесни (V синф Блек бўйича) Filtek Z250 билан реставрациянинг клиник баҳолаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1-кичик гуруҳ (гель) (n=28)	P (1-чи/2-чи)	2-кичик гуруҳ (гель + препарат) (n=28)
Кариес рецидиви	3,17 ±0.92	<0,05	3,62±0,49
Қирра мослашуви	3,46±0,51	>0,05	3,57±0,50
Анатомик шакл	3,60±0,49	>0,05	3,64±0,48
Контакт пункт	3,64±0,48	>0,05	3,64±0,48

Visco Stat гемостатик гели қўлланилганда тиш дентинига Filtek Z250 композит материалнинг адгезия кучи тажрибаларда баҳоланганда,

гемостатик гелъ билан ишлов берилгач дентин юза қавати тозаланган гурухга нисбатан 1,7 марта паст натижалар қайд қилинди (7 жадвал)

7 жадвал

«ViscoStat» гемостатик гели қўллаш билан ўрта кариесни (V синф Блек)даволашда тиш сезгирлик даражаси кўрсаткичлари

текширув вақти		1-кичик гурух (гель) (n=28)	P (1-чи/2-чи)	2-кичик гурух (гель + препаровка) (n=28)
даволашгача	Интакт	3,21 ±4,94	>0,05	2,85±6,15
	Шикастланган	16,78±16,06	>0,05	19,46±17,28
	p	=0.000		=0.000
2 хафтадан сўнг	Интакт	3,03±5,98	>0,05	12,85±9,94
	Даволанган	4,1±7,7	<0,05	8,03±7,97
	p	>0,05		=0.05
12 хафтадан сўнг	Интакт	2,85±5,99	>0,05	1,96±4,58
	Даволанган	5±7,07	>0,05	3,92±4,97
	P	>0,05		>0,05

ХУЛОСА

«Тиш реставрациясида композит ашёларининг адгезиясини мукамаллаштиришнинг замонавий жиҳатлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Композит материалнинг кучли адгезив бирикишига эришиш учун алюминий хлорид асосидаги Visco Stat гемостатик агентнинг салбий таъсирига дучор бўлган тиш юзаси адгезив протокол ўтказишдан олдин силликланиши зарур.

2. СЭМ натижалари бўйича СИЦ қўлланилганда микротирқиш кенглиги ФЦ га нисбатан 1,4 марта кичик (1.17 ± 0.71 vs 1.62 ± 1.07), бу эса маълум даражада унинг оқувчанлигини юқорилиги сабаб тиш тўқималарига яхшироқ адаптацияси билан боғлиқ.

3. UltraTest Machine ускуна ёрдамида аниқланган SBS тест натижаларининг кўрсатишича, тиш дентинига СИЦ ва ФЦ адгезия кучи ишонарли фарқланмади (0.41 ± 0.19 vs 0.39 ± 0.16).

4. SBS тест натижаларига кўра композит материалнинг ФЦ га нисбатан адгезия кучи СИЦ га кўра 1,4 марта юқори (4.22 ± 2.59 vs 1.97 ± 0.69).

5. Ўрта кариесни даволашда соддалаштирилган спиртли ва нам протоколларни қўллашда реставрация клиник ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичлар бўйича ишонарли фарқ қилмади ($p > 0,05$), бироқ соддалаштирилган спиртли протокол қўлланилганда тишлар сезгирлик даражасини меъёрлашиши нисбатан узокроқ давом этади ($P < 0,05$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КАХХАРОВА ДИЛОРО ЖАМОЛИДДИНОВНА

**СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ УЛУЧШЕНИЯ АДГЕЗИИ ПРИ
РЕСТАВРАЦИИ ЗУБОВ КОМПОЗИТНЫМ МАТЕРИАЛОМ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Tib 172

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet»(www.ziynet.uz)

Научный руководитель:	Мелькумян Тимур Владимирович доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Беленова Ирина Александровна доктор медицинских наук, профессор (Российская Федерация)
	Гулямов Суръат Саидвалиевич доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Западно-Казахстанский государственный медицинский университет имени Марата Оспанова (Казахстан)

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес:100047, город Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru)

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирован за № _____) Адрес: 100047, город Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; e-mail; info@tsdi.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2022 года).

Н.К. Хайдаров
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук
Л.Э. Хасанова
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук
У.А.Шукурова
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Реставрация зубов современными композитными материалами позволяет восстановить анатомическую форму, функцию и эстетику зуба, утраченных в результате кариозных и некариозных поражений. Одной из важных задач стоматологии является продление срока службы выполненных композитных реставраций и максимальное сохранение тканей зуба. Использование современных фотоотверждаемых материалов «...при реставрировании зубов, несущих высокую жевательную нагрузку, позволяет обеспечить требования оптимальной механической прочности»¹. Качество композитных реставраций зависит от большого количества факторов, среди которых надежная адгезия и отсутствие негативной реакции со стороны пульпы зуба имеют приоритетное значение в аспекте срока службы выполненных реставраций. Многочисленными исследованиями изучаются различные методы устранения недостатков ряда композитных материалов. Однако, до настоящего времени, ни один метод до конца не устранил проблему микротечи, имеющей место при проведении прямой композитной реставрации. Поиск и оценка эффективности спиртовых протоколов, для улучшения адгезии композитных материалов к дентину зуба, остаются актуальными задачами в современной эстетической стоматологии и пока проблема полноты конверсии наполненных фото-полимеров до конца не решена, процесс их постепенной деградации в условиях полости рта является неизбежным.

В мире, одной из последних концепций, при разработке композитных материалов и адгезивных систем, является упрощение этапов адгезивного протокола и ускорение процедуры реставрации зубов, которые бы не приводили к возникновению послеоперационных осложнений. Существует множество рекомендаций по поводу того, какой композитный материал (КМ) следует предпочесть, по способу внесения, полимеризации, подготовки поверхности твердых тканей зуба и др. Гемостатические средства, используемые в стоматологии для остановки кровотечения из десны, при проведении реставраций, по мнению ряда авторов, снижают прочность сцепления КМ как с эмалью, так и с дентином зуба. Нарушение адгезии КМ к дентину объяснялось морфологическими изменениями его поверхности. Однако, во многом успешный прогноз для композитной реставрации зависит от клинического опыта врача. Данное обстоятельство послужило поводом проведения исследований для клинической оценки протоколов выполняемых композитных реставраций с использованием материала Filtek Z250 (USA) и однокомпонентного адгезива для эмали и дентина Adper Single Bond 2 (3M).

В нашей стране уделяется особое внимание развитию медицины. В связи с этим определено «...в целях дальнейшего повышения эффективности реформ, проводимых в системе здравоохранения, внедрение в данную сферу

¹ Луцкая И.К. клинические показания к дифференцированному выбору средств и методов лечения постоянных зубов// Новое в стоматологии.-2018.- №8.-стр.2-15..

передовых и цифровых технологий...»². Ведутся работы по реформированию в системе оказания стоматологической медицинской помощи населению «...создание новых разработок, а также обеспечение их передачи и реализации в сферу производства ...»³ в качестве приоритетных задач. Следовательно, разработка корректных протоколов лечения, с применением гемостатических гелей, изолирующих прокладок, различных вариантов упрощенного спиртового протокола, требует проведения исследований в данном направлении.

Выполненное диссертационное исследование служит, в определенной степени, выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-№4947 «Стратегия действия по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан», также Постановление УП-№3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан», Закона Республики Узбекистан «Об инновационной деятельности», принятого Законодательной палатой 7 апреля 2020 года и одобренного Сенатом 19 июня 2020 года. Одним из основных понятий Закона РУз «Об инновационной деятельности» является создание новых разработок, а также обеспечение их передачи и реализации в сферу производства».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Быстрая и интенсивная разработка новых стоматологических адгезивов сосредоточена на упрощении клинической процедуры (Чертовских А.В., 2014; ShumanIan E., 2014; Nagpal R, et al.,2015; George Freedman, 2019; Xia Wang et al., 2021). Существует ряд рекомендаций по поводу того, какой КМ следует предпочесть, по способу внесения, полимеризации, подготовки поверхности твердых тканей зуба и др. (Мелькумян Т.В. и др.,2020; Erickson RL. et al.,2009; LührsAK. et al.,2010; LawsonNC et al.,2015). Успешный прогноз для композитной реставрации во многом зависит от клинического опыта врача (Барер Г.М. и др.,2006; Блохина А.Ю., 2012; Бутова В.Г. и др.,2020; Васильева Е.Ю. и др. 2020).

Качество реставраций основано на оценке биологических, эстетических, функциональных параметров, которые могут меняться, в зависимости от потребностей пациента. Нежелательны критерии, которые приводят к чрезмерному препарированию при лечении зубов (Апарина Е.А.,2006; Кодзаева З.С.и др.,2019). Параметры оценки качества реставраций часто бывают субъективными и небольшие отклонения от идеальных

² Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4847 от 02 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления сферой здравоохранения».

